

# O'ZBEKISTON



# OYOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 25-MAY ■ SESHANBA ■ 63 (27.238) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ЖАРАНГИ

МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИ УЗРА ЯНГРАДИ

Сўнги қўнғироқ беғубор болалик, оловли ўсмирлик орта қолгандан дарак. У мактаб, муаллимнинг тилаги бўлиб бонг уради. Сўнги қўнғироқ, болаликни ёдга солади. Муҳаббатдан, дўстликдан, билимдан нурафшон бўлган кўнғиллар, ёшлик фасли узра қўйилган қадам барчасин ўзда муҳасам айлаб бугун чалинмоқда сўнги қўнғироқ.

Устоз қўлимизга тутказиб қалам, она, Ватан сўзин илк бор англаган. Мурғак вужудимиз узра озодлик туйғусин сингдирган азиз муаллим. Минглаб шогирдларга оқ йўл тилаган, қувонса-қувонган, бошин силаган, тунлари китобга кўзи қадалган, эзгулик элчиси — биринчи ўқитувчим.


Мактаб остонаси ойдин, олами осмон. Фарзандларимизга эшигин очган. Болаликка маърифат нурларин сочган. Мактаб онамиздек муҳаддас даргоҳ бу сўзни бир умр айтаман.

Мамлакатимиздаги 9727 та мактабда бу йил IX синфни 590 мингдан зиёд, XI синфни 304 минг нафар ўқувчи тугатмоқда. Ёш дўстларимизнинг баъзилари янги замон илм масканлари бўлган лицей-коллежлар томон интилса, ўн биринчи синф битирувчилари эса турли олий ўқув юртиларига кириш учун тест синовларига тайёргарликни бошлаб юборишади.

Сўнги қўнғироқ бу оддий бир воқеа эмас, балки катта ҳаётга чорлов, ўзликни намоён этиш лаҳзаларининг бошланишидир.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Суратларда: Чирчиқ шаҳридаги 13-ўрта мактабда ўтказилган сўнги қўнғироқ лаҳзалари



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Бугун — «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси очилган кун

## МУРУНТОВ: ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ

«...Зарафшон-Ньюмонт» янги мустақил давлатларда тенги йўқ йирик лойиҳадир. Мен ушбу қўшма корхонага муваффақиятлар ва раванк тилайман, унинг ташкил қилиниши Ўзбекистон — Америка ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги муҳим қадам, деб биламан»

Ислом КАРИМОВ

(«Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси очилиши муносабати билан корхона жамоасига йўлланган мактубдан. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1995 йил, 25 май.)

Дарвоқе, ўша йилнинг 24 май кунини давлатимиз раҳбари Америка Қўшма Штатларининг «Ньюмонт майнинг корпорейшн» компанияси президенти ва директорлар кенгаши раиси Рональд Си Кембри бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилиб, унда Ньюмонт Голд компанияси иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг тобора кенгайиб боришига катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаб ўтгандилар.


Жумладан, Юртбошимиз: «Ньюмонт компанияси билан Мурунтов олтин конида қўшма корхона қуриш бўйича ҳамкорлик қила бошлаганимиздан кейин юксак ва етакчи технологияга эга ушбу компаниянинг тадбиркорлик билан иш юритишига амин бўлдик. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг қисқа муддат ичида қуриб битказилиши ҳам шунинг яққол далилидир» — деган эдилар компания раҳбарини қабул қилган пайтдаги суҳбат чоғида.

Ушундан корхонанинг очилиши маросимига жаҳоннинг 40 дан ортқ мамлакатларидан нуфузли меҳмонлар келишди. Улар дунёдаги 150 га яқин давлатларнинг олтин конларида Мурунтовдаги каби амалий ҳамкорлик олиб бораётган

Ньюмонт Голд компанияси ва Ўзбекистонлик хазинатопарларнинг бой тажрибалари ҳамда қудратли салоҳияти билан танишдилар. Энг муҳими, компания келишилган қатъий шартномага кўра олтин конларини аниқлаш ва забт этиш жараёнидада олинган фойданинг ярмидан кўпрогини Ўзбекистонда қолдиришга рози бўлиб иш бошлади.

Кўп ўтмай бу ерга замонавий асбоб-ускуна ва технологиялар келтирилди. Улар жаҳон андозаларига мос мукамал ва тўла технология асосида ўта сифатли ҳамда шовқинсиз ишлашга мўлжалланди. Ва яна барча асбоб-ускуна, машина-механизмлар ҳаракати бир ердан иккинчи ерга автоматик усулда кўчиш хусусиятига ҳам эга эди. Аниқроқ айтганда, корхона нари борса икки ой ичидаёқ бошқа жойга бемалол кўчириш, табиат ва атроф-муҳитга зарар етказмаслик имкони туғилди. Бунинг учун дастлаб 9 та замонавий ҳаво тонна залагичлар ва чанг ушлагичлар ҳаракатга келтирилди. Майдаланган тошларни ювиш ҳавзалари махсус полиэтилен плёнка ва резиналар билан шиббалади. Тегирмон ҳамда лентали транспортлар усти ёпиқ қилиб ўралди.

Бошида 325 нафар кончи билан фаолият бошлаган жамоа-



Ойдин САЪДУЛЛАЕВА

нинг 95 фоизи маҳаллий кадрлар бўлди. 26 нафари америкалик малакали мутахассислар ва муҳандислар эди. Улар корхонада 9-10 миллион тонна тоғ жинсларини қайта ишлаш йиллик ишлаб чиқариш қуввати билан иш бошлади. Орадан тўққиз йил ўтиб, яъни бугунги кунда қўшма корхонада хомашени йиллик қайта ишлаб чиқариш лойиҳа қуввати 13,8 миллион тоннадан ошди.

Мурунтов карьерини реконструкциялаш лойиҳаси ҳаётга тўла жорий этилди. Унинг умумий харажати 235 миллион АҚШ доллари қайта ишлаб чиқариш лойиҳа қуввати 13,8 миллион тоннадан ошди. Мурунтов карьерини реконструкциялаш лойиҳаси ҳаётга тўла жорий этилди. Унинг умумий харажати 235 миллион АҚШ доллари қайта ишлаб чиқариш лойиҳа қуввати 13,8 миллион тоннадан ошди.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 25 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:\*

1 Австралия доллари	705,65	1 Польша злотийси	259,85
1 Англия фунт стерлинги	1808,50	1 СДР	1471,95
1 Дания кронаси	162,84	1000 Туркия лираси	0,66
1 БАА дирҳами	275,61	1 Швейцария франки	788,67
1 АҚШ доллари	1012,26	1 ЕВРО	1211,17
1 Миср фунти	164,33	10 Жанубий Корея воени	8,61
1 Исландия кронаси	13,82	10 Япония иенаси	90,05
1 Канада доллари	735,49	1 Россия рубли	34,92
1 Халой юани	122,30	1 Украина гривнаси	190,03
1 Малайзия ринггити	266,42		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Партияда ҳисобот-сайловлар

## ЎЗ НУҚТАИ НАЗАРИГА ЭГА БЎЛСИН

Бошланғич партия ташкилоти ХДПнинг энг қўйи бугунги бўлиши билан бирга унинг ҳаёти, элу юрт ўртасидаги обрў-эътибори, керак бўлса, келажикда муҳим ўрин тутувчи катта куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам БПТнинг фаоллигини ошириш, партия ташкилотининг ўткир ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарига эга бўлиши бутун партия учун аҳамиятлидир.

Бектемир туманидаги «Атэк» очик ҳиссадорлик жамияти ва Янгийўл туманидаги «Ниебощ» ширкат ҳужалиги бошланғич партия ташкилотларининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларидан

ана шу масалалар асосий ўрин эгаллади. Мажлисларда Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқиб, мамлакат Олий Мажлисида қўриб чиқилган масалалар, Президент И.А.Каримовнинг сессияда сиёсий партияларга нисбатан билдирган фикрларига йиғилганлар эътиборини қаратди ҳамда ҳар бир партия аъзоси улардан аниқ хулоса чиқариб, партия ташкилотларининг заифлик ҳолатдан тезроқ чиқишига, уларнинг фаоллашувига ўзининг ҳиссасини қўйиши лозимлигига даъват қилди.

Бошланғич партия ташкилотларининг ўтган даврдаги фаолияти тўғрисида БПТ етакчи-

лари Р.Ғоипов ва Б.Умурзоқов ҳисобот бердилар. Музокараларда «Атэк» очик ҳиссадорлик жамияти раиси К.Ақбаров, техника директори А.Ақопов, режаштириш бўлими бошлиғи А.Шарафутдинов, Бектемир туман партия кенгаши биринчи котиби Ҳ.Рўзиметов, «Ниебощ» ширкат ҳужалиги БПТ йиғилишида ҳужалик бошқаруви раиси А.Юсупов, ХДП Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби М.Тоиров ва Янгийўл шаҳар партия кенгаши биринчи котиби А.Маҳмудхоннов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## АЁЛЛАР СИЁСИЙ ЖАРАЁНДА ҲАМ КАТТА КУЧ

Жаҳон тажрибасидан маълумки, тараққий этган мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг роли катта. Ўзбекистон ХДП Дастурида ҳам жамиятда аёлларнинг мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари алоҳида белгиланган. Партия аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий жараёнлардаги нуфузини оширишни таъминлаш учун курашапти. Марказий Кенгаш ҳошидаги Хотин-қизлар шўъбасининг бош мақсади ҳам айнан шу масалага қаратилган. Бугун партиянинг лидер аёллари сайлов кампаниясига қизгин тайёргарлик кўра бошладилар.

Яқинда Хотин-қизлар шўъбаси ўзининг навбатдаги «Давра суҳбати»ни ўтказди. «Хотин-қизларнинг сайлов кампаниясидаги иштирокини фаоллаштириш масалалари» мавзусидаги суҳбатда шўъба аъзолари билан бирга Олий Мажлис депутатлари, партиянинг фаоллари, олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Уни Хотин-қизлар шўъбаси Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Гулнора Йўлдошева олиб борди.

Анжуманда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш, ақиллаштириб келётган сайловолди кампаниясида аёлларнинг иштирокини масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Олий Мажлис депутати, парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машқур Сафарова «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, сиёсатшунос Михаил Ельшов партиянинг аёлларга доир сиёсати, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази директори, академик Раъно Убайдуллаева «Аёл ва сиёсат» мавзусида маъруза қилдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари эркин мунозараларга киришдилар. Саида Ганиева, шўъба аъзоси, «Шарқ гули» акциядорлик жамияти раиси: «Биз аёллар жамиятининг ижтимоий ҳаётида катта кучмиз, лекин сиёсий ҳаётда ҳали бу поғонага кўтарила олганимиз

нинг, онанинг хонадонда мавқеини оширади, энг ишончли тарғиботчи ролини ўйнайди. Жамиятнинг «микрорамияти» бу оила, йиғилиш катта кучга айланади.

Ҳаёт фалсафаси шу — ижодий баҳслар, фикрлар тўқнашуви, мунозараларда ҳақиқат юзга чиқади, айтилаётган шу мулоҳазалардаям ҳаётнинг тажриба, ҳақиқат ётибди.

Фаризод Мусаева, шўъба аъзоси, «Семурғ» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси:

«Аёллар табиатан руҳшунослардай мушоҳада юритади. Бизнинг ходимларимиз ҳаётда адашган, жиноят йўлига кириб қолган шахсларнинг оиласида бўлишади, оила психологияси билан танишади, маъбуслар билан ҳам ўрашадилар. Иш тажрибамиз шуни кўрсатяптики, хотин-қизлар эзгу мақсадаги йўналтирилган тарғиботларга тез эргашади. Улар оила аъзоларининг ўз ортидан юришга ундайдиган кучдирлар. Кўп бор шундай фактга дуч келамиз: баъзан қандайдир масала қаршисида эркакка нисбатан аёллар кўпроқ иккиланиб қолар эканлар. Мана, ҳозир «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази ўтказган сўровда 13% иштирокчи қайси партияга овоз беришни билмайман, деган жавобни айтган. Биз ана шулар билан ишлашимизга, уларни ўз томонимизга олдириб олишимиз зарур. Бунинг учун одамлар орасига чуқурроқ кириб боришимиз керак.

«Давра суҳбати» қатнашчилар партиянинг етакчи хотин-қизларини сайлов кампаниясида аёллар фаоллигини ошириш масаласида ҳали кўп ишларни зарурлигини таъкидладилар.

Саида ЙЎЛДОШЕВА

Ватан ҳимояси — олий шароф

## ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД — УНУТИЛМАС КУН

Ҳарбий либос кийиш ҳар бир йигитнинг орузи. Ниятга етиш эса осонмас. Негаки, Куроли Кучларимизга йигитлар сараланиб, танлов асосида қабул қилинади. Тизимда ўтказилаётган ислохотлар, профессионал армияни шакллантириш жараёни ҳар томонлама етуқ, жасур ва мард ўғлонларининггина танлашнинг тақозоси эътибори. Бугунги аскарга қўйилаётган бош талаблардан яна бири — у кимни қўриқлаётганлигини жуда яхши англаши зарур.

... Чирчиқ шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм. Аскарлар

бир текис саф тортиган. Муддатли ҳарбий хизматга қабул қилинган ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими. Қисм командирилар жамоат ташкилотлари вакиллари, юртимизнинг турли бурчакларидан келган ота-оналар ҳам ҳаяжонда. Тантана очик, деб эълон қилинган, Давлатимиз маънавияти янграйди. Шундан сўнг аскарлар Ватанига, халқига, Президентига содиқ бўлишга ҳарбий Қасамёд қилдилар.

Энди улар ҳақиқий Ватан ҳимоячилари, юрт посбони. Мамлакатимиз тинчлиги, эл-

юрт осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлиги ишончини қўлларда. Тантанана сўзга чиққан бир отахон барчанинг дилидаги гапни айтди.

— Биз сизлардай мард ўғлонларга ишонамиз. Халқимизнинг асл фарзандлари юртини ҳимоя қилади. Бурчга содиқ бўлиш аскар учун олий шароф. Ана шу ишонча муносиб бўлиб, ёруғ юз билан уйга соғ-саломат қайтинглар.

Равшан ШОДИЕВ

Суратда: Қасамёд қабул қилиш пайти.

Александр МРУЧАК олган сурат

**ХАЛҚ БАНКИ** —  
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»  
XONADONINGIZ FAYZI

**TOSHKENT SHAHAR**  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HAMKORI

Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz





### НАВБАТДАН ТАШКАРИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

Шу йил 29 август куни Чеченiston Республикасида навбатдан ташкари Президент сайлови бўлиб ўтади. Бу ҳақда республика сайлов комиссияси қарор қабул қилди.

Чеченistonнинг собиқ матбуот ва ахборот вазири, Грознийнинг собиқ мэри Бислан Гантамиров Президент сайловида номзодини қўйиши ҳақида баёнот берди.

«Независимая газета»да ёзишларига, бизнесмен Ҳусейн Жабраилов ҳам номзодини қўймоқчи. У аввалги сайловда ҳам қатнашган, бироқ негадир номзодини қайтиб олган.

Номзодини қўймоқчи бўлганлар қаторида москвалик тадбиркор Малика Сайдуллаева, Россия Президентининг Шимолий Кавказ масалалари бўйича ёрдамчиси Асланбек Аслаханов, Грознийнинг амалдаги мэри Олег Жидков ва Президентнинг Жанубий федерал округидаги ваколатли вакили уринбосари Саид-Салим Пешовлар бор.

Чеченistonнинг собиқ Президенти, марҳум Аҳмад Кодировнинг ўғли Рамзон Кодиров эса номзодини қўймоқчи эмас. Вахонлики, Чеченiston давлат кенгаши ва ҳукумати унинг номзодини қўллаб-қувватлаш учун Россия Президентига мурожаатнома жўнатилган эди.

Россия Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняковнинг айтишича, ҳар қандай вазиятда ҳам Рамзон номзодини қўя олмайди. Негаки, республика Конституциясига қўра, номзод 30 ёшга тулган бўлиши шарт. Рамзон эса ҳозир 27 ёшда.

Конституцияга ўзгартиришни эса фақат Президент ва парламент кирита олади. Афсуски, Чеченistonда ҳозиргача парламент таркиб топмаган, Президент эса...

Эслатиб ўтамиз: 9 май кунги портлаш оқибатида (террор характери) республика Президенти Аҳмад Кодиров ҳалок бўлган.

### ЯНГИ МАДҲИЯ ВА ГЕРБ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Грузия парламенти республиканинг янги мадҳияси ва гербини қабул қилди, дея хабар беради «Новости» агентлиги. Гербда шахзода Богратион сулоласининг рамзи таркиб топган бўлиб, авлиё Георгийнинг оқ отда туриб аждаҳони маҳв этаётгани акс эттирилган. Герб ўртасида эса Христос плашани...

Ҳисси (черков маросимида ишлатиладиган мато) тасвирланган. Янги мадҳиянинг муаллифи Грузиянинг замонавий шоири Давид Маградзедр. Мусикасини эса бастакор Давид Кецакмадзе ёзган. Янги мадҳия 26 майда, яъни Грузия мустақиллиги кунини тантаналарида расмий равишда илк бор қўйланади.

### ИМПОРТГА РУХСАТ ЭТИЛДИ

Еврокомиссия Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда генлари ўзгартирилган «ВТ-11» (Швейцарияда яратилган) маккажўрисидадан фойдаланиш ва уни импорт қилишга рухсат этди. Фақат битта шарт: маккажўриси дони еки ундан тайёрланган консервага маҳсулотда генлар қанчалик ўзгарганлиги, яъни трансген йўллари орқали ишлаб чиқарилганлиги ҳақидаги белги албатта кўрсатилиши шарт.

Эндиликда Европа давлатлари уни 10 йилгача импорт қилиш ҳуқуқига эга.

Эслатиб ўтамиз: 1999 йили 5 та давлат — Франция, Италия, Греция, Дания ва Люксембург (кейинчалик улар қаторига Бельгия ва Австрия ҳам қўшилган) ташаббусига қўра, генлари ўзгартирилган маҳсулотлар импорти Европа Иттифоқи тақиқлаган эди.

### МАКТАБЛАРДА «ЧЕКИШ ЖОЙИ» БЎЛАДИ...МИ?

Москвалик ўқитувчилар шахардаги барча мактабларда «максус чекиш жойи» ташкил этиш тақлифи билан чиқмоқдалар. «Эхо Москвы» радиостанцияси берган хабарга қўра, ҳатто улар дума депутатларига ҳам мазкур масала бўйича мурожаат этишган. Ўқитувчиларнинг айтишларича, юқори синф ўқувчилари, яъни хаваскор чекувчилар белгиланмаган, ноқулай жойларда чекмоқдалар. Бу эса мактабларда ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Аммо ўқитувчилар мактабларда «чекиш жойи» ташкил этиш ҳақидаги тақлифга қатъий қарши чиқмоқда. «Бунга нафақат ўқитувчилар, балки ота-оналар ҳам қаршидирлар. — деди Россияда хизмат кўрсатган ўқитувчи Евгений Ямбург. — Болаларнинг мактабда чекишлари бор гап. Бу янглик эмас. Лекин бу манзарага қарши кураш ҳануз давом этмоқда. Жамиятда соғлом ҳаёт тарзига эришилмас экан, чекиш давом этаверадир.»

Унинг айтишича, мактабларда «чекиш жойлари»нинг пайдо бўлиши ҳукумат томонидан кашандаликка йўл очидан ўзга нарса эмас.

### МАРҲУМЛАРДАН «ПЛОМБА»ЛАР ОЛИНАДИ

Швеция ҳукумати марҳумни кремация қилиш (максус печда мурдани қўйдиришдан аввал унинг тишларидаги амалгама (симонинг бирор металл билан қотишмаси) «пломба»сини олиб ташлаш бўйича янги қонун лойиҳасини қўриб чиқмоқда. Гарчи марҳум жасадида «пломба»ларни йиғиб олиш ахлоқ-одоб меъёрларига тўғри келмаса-да, шундай қилишга мажбур бўлишмоқда, — дея маълум қилади Independent Online сайти. — Максус симонинг атмосферага тарқалиши ни камайтириши.

Статистика маълумотларига қараганда, Швеция аҳолисининг тўртдан уч қисми тишларига амалгама «пломба»си (кумушнинг симон билан қотишмаси) қўйдирган. Бу 2,8 тонна тоза симон дегани. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Швецияда марҳумларнинг 70 фоизи ёндирилади. Натияжада заҳарли буғлар атмосферага тарқалади.

Симондан заҳарланиш эса инсон асаб тизимини ишдан чиқаради.

### ФАРЗАНД КЎРГАНЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Австралия ҳукумати мамлакатда туғилиши қўллаб-қувватлаш учун пул мукофоти жорий этишни қўзлаб турибди. Reuters агентлигининг хабар беришича, шу йил 1 июндан бошлаб ҳар бир туғилган чақалоқ учун 3 миңг Австралия доллари (2083 АҚШ доллари тенг) миқдорига мукофот пули берилди.

Туғилиши мукофотлаш учун беш йилга ажратилган маблағ 19,2 миллиард Австралия доллари (13,33 миллиард АҚШ доллари) ташкил этади.



Жанубий Корея кўчаларида

Агар озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз бўлса, алкоҳда рўйхат ва далолатнома түзиб, йўқ қилиниши лозим. Текшириш ўтказилаётганда мутахассис ҳулосаси бўлиши шарт.

У.Рўзиев, Китоб туман ДСЭНМ оқватлаши бўлими мудири, олий тоифали шифокор:

«Хизмат» фирмаси бизга мурожаат қилган, дўкондаги маҳсулотларни кўздан кечирдик, айримлари лаборатория таҳлилидан ўтказилди. Аввало, ҳудудий бошқарма тафтишчилари далолатномада кўрсатилганлидек 16 хил эмас, 13 хил озиқ-овқат маҳсулотни бор экан. Социк, лампочка каби товарларни бу ҳисобга қўшмаслик керак. «Фанта», «Кока-кола», турли консервларнинг чиққан мурдани ўзларидан қайд этилган. Барча маҳсулотларнинг истеъмол муддати ўтмаган ва яроқлилиги ҳақидаги ҳулосани ҳамда товарлар рўйхатини туман прокуратурасига тақдим этдик...»

Китоб туман прокурорининг ёрдамчиси С.Қодиров шу масала билан бир неча ой давомида шуғулланди. Натияжада 136-ш/03-сонли «назорат иши» вужудга келди. Тафтишчиларнинг «500 миңг пул сўрагани» ҳақидаги даврони исботлашнинг иложи бўлмади. Натияжада жиноий иш қўзғаш рад этилди. Аммо ўтказилган текширишда қатор қонун талаблари бузилганлиги, маҳсулотлар истеъмолга тула яроқлилиги аниқланиб, Қашқадарё вилоят прокуратурасига туман прокурори Х.Сабиоров имзоси билан қўйидаги ҳулоса тақдим этилди: «Вилоят мо-

нополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси раҳбарияти томонидан қабул қилинган (яъни жарима солиш ҳақидаги) қарор асосиз бўлгани туфайли, уни бекор қилиш ҳақида протест киритишингизни сўрайман...»

— Менинг айбим 48380 сўмлик маҳсулотни ўз пулимга сотиб олиб келиб дўконга қўйганим. — дейди Қайом Мавлонов. — Маҳсулотларнинг сифатини мутахассислар аниқлашган. Энди, қасда чекига келсан, ўша кунни текширувчиларни хотиним кўрган ва мен банкдан келган, оғошланганди. Уйимдан ҳам тафтишчилар олиб келишди. Уларнинг кўз ўнгида 200 сўмлик савдо чекини харидорга бердим. Мен мурожаат қилган, туман солиқ инспекцияси ходими У.Сатторов, «Марс» илмий маркази бош мұҳандиси З.Ниёзовлар билан бир неча ой давомида шуғулланди. Натияжада 136-ш/03-сонли «назорат иши» вужудга келди. Тафтишчиларнинг «500 миңг пул сўрагани» ҳақидаги даврони исботлашнинг иложи бўлмади. Натияжада жиноий иш қўзғаш рад этилди. Аммо ўтказилган текширишда қатор қонун талаблари бузилганлиги, маҳсулотлар истеъмолга тула яроқлилиги аниқланиб, Қашқадарё вилоят прокуратурасига туман прокурори Х.Сабиоров имзоси билан қўйидаги ҳулоса тақдим этилди: «Вилоят мо-

гандик, — деб ёзишди улар прокуратурага берган ўз тўшунтириш хатларида. — Банк биноси ёнидан ўтиб, дўконга кирдик ва савдо қилдик». Афсуски, улурга туман харитасини яъши «ўргатишмаган» экан. «Пахтабанк» биносидан «Хизмат» фирмаси дўконига 500 метр масофа бор, йўл Улугбек номили ширкатга олиб боради. Жайрақона қишлоғи эса марказдан 10-12 километр узоқда жойлашган. Шунда туман прокуратурасининг сўровига Қамаш туманидан жавоб келиб қолди. Қамаш шаҳридаги Навоий номили маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Аҳмедова шундай хабар берганди: «Ноҳира қўчасидаги 20-ўйда Акмал Жабборов, 29-ўйда Жамшуд Раҳмонов яшайди». «Харидор» ва «Гувоҳ» «Хизмат» фирмасидаги «камчилик»лар тўғрисида тузилган ҳужжатларга ана шундай исм-шариф ва турар жойни кўрсатиб, имзо чекишганди.

Уларнинг ўзлари прокуратурага чақирилиб, паспортлари кўздан кечирилган «харидор» ва «ҳолис» қимлиги охири аниқланди. Улар Қарши шаҳридаги С.Зуннунова қўчасидаги 22-ўйда яшовчи Акмал Ходиев ва Қамаш туманидаги «Лангар» ширкатида яшовчи Зайниддин Қўлдошевлар бўлиб чиқиди.

Ана ҳалос! «Чек бермади», «Текшириш қонуний ўтди», деб тузилган сохта ҳужжатга сохта номларни ёзиб кетишган экан. Энди ҳақли савол туғилади: ёлғон ва сохталик ара-

лашган далолатнома қонуний ҳужжат бўла оладими? — Асло, бўла олмайди, — дея жавоб беради Китоб тумани прокурори Х.Сабиоров. — Ҳолис гувоҳ барча шубҳалардан холи, ростўй, ўзи тасдиқлаган ҳужжатга масъул шахс бўлиши лозим. Туман прокуратураси фуқаро Мовлоновнинг шикоятини атофилига ўрганди. Дўкондаги маҳсулотлар сифати ҳақида мутахассислар ҳулосасини олди. Натияжада тузилган далолатнома асосланмаган, деган ҳулосага келди...»

Тадбиркорга тўсиқ — тараққиётга тўсиқдир. Бу ҳақда Ўртабшониш шундай дегандилар: «...тадбиркорлик соҳасининг ҳозиргача ҳам коррупция тазийқидан, ҳуқуқ, назорат, текширув ва тафтиш тузилмаларидан айрим мансабдорларнинг ўзбошимчиликларидан ишончли қимчи қилинмагани ва ноҳорлиги бизнинг ишимизга жиддий ҳалақат бермоқда.»

Ҳа, тадбиркорларнинг оёққа туриши, катта ишларга қўл уриши осон кечмаёттир. Тадбиркорга тазийқ, у тошган пулга қўз олайтиришдан нафақат тадбиркор, балки бутун жамият, давлат зиён кўради. Буни аниқлаган текширувчи, назоратчи ҳеч қанон адолатсизликка йўл қўймайди. Тадбиркор ҳуқуқини ҳимоя этади, уни қўллаб-қувватлайди. Назоратчи ноҳолис, ноҳалол бўлса, ундан ҳеч қанон яхшилик кутиб бўлмайди.

Юнус УЗОКОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

### Табиат ва биз

# ОЛАМНИ ЯШНАТГАН, ОДАМНИ ЯШАТГАН ЯШИЛЛИК

## ЎЗБЕКISTON БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИНИНГ БУГУНГИ МУАММОЛАРИ, КАМАЙИБ БОРАЁТГАН ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ, ЭКОТИЗИМ ВА ЯШИЛ БОЙЛИГИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР



Биологик турли-туманлик ёки биохилма-хиллик тушунчаси янги, ҳали омма орасида кенг тарқалган эмас. Биохилма-хиллик саёбрамиздаги ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, микроорганизмлар, уларнинг генлари ҳамда экотизимларини англатади. Бу атама орқали маълум бир организм

тўғрисида статистик маълумот эмас, балки биологик дунёнинг барча қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабат ўз аксини топади. Одамозод тараққиёт чўққисига чиққан сари табиатта, ер ости ва усти бойликларига, ҳайвонот, ўсимлик дунёсининг яшаш тарзига жиддий ҳовф-хатар келтириладиган муаммоларни ҳам юзага

келтирди. Яшириб бўлмайди: ер юзидagi мавжуд ўрмонлар, айниқса, ўтган асрнинг иккинчи ярмида кескин камийди, ўсимликлар дунёсининг ҳалокати ҳайвонот оламининг камийишига, қирилишига баъзи турларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Биламизки, оламдаги бутун борлиқ — жонсиз ва тирик мавжуд

— Юртимиз, биохилма-хиллиги ниҳоятда бой ўлка. Ўзбекистон биохилма-хиллигининг аввали ва бугунги ҳақида нима дея оласиз?

— Биологик хилма-хиллик жаҳон ҳамжамияти учун, ҳар бир давлат учун жамиятнинг иқтисодий, экологик ва маданий-эстетик эҳтиёжларини қондириш учун ҳаётий манба ҳисобланади. Ўзбекистон қадимдан биохилма-хиллиги ниҳоятда бой ўлка, «Хизр тағби теккан» маскандир.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб бугун дунё биохилма-хиллиги тўғрисида қайгура бошлади. Нега? Сабоби жун. Дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб борапти, одам эса табиат, у берадиган неъматлар билан тирик, биохилма-хиллик бизга ана шу «ноз-неъмат» дастурхонини етказиб беради. Тинмай табиатдан олиш ва ўпирши оқибатида, «яшил олам» жар ёқасига келиб қолди. Тупроқ, микроорганизмлардан тортиб замбуруллар, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот оламингача одамозоддан жабр кўрди, уларнинг захираси кескин камийиб кетди. Билсан ҳам яна қайтарганимиз. Табиат+Ҳайвонот+Инсоният бутун битта занжир, яъни экотизим бузилса, бутун тизим издан чиқади.

Мана, сизга аччиқ бир ҳақиқат. Орolni

бой бериш бизнинг ҳудудий муаммомиз, яъни биохилма-хиллигимизнинг тақдирини ҳал этадиган эркин мисолдир. Сувсизликдан катта-катта майдонлардаги тўқайзорлар, қамшизорлар, турангилар, ширинийлар ўсадиган, ўрмонлар ҳосил қиладиган «яшил олам» ўлиб қолди. Энди бу ерга келадиган қушлар йўқ, ҳайвонлар нобуд бўлди.

Марказий Осиёда, айниқса, ўлкамизда, дунё микёсида секинлик билан кетаётган чўлнинг жараёни бир неча бор тезлашди, жадаллашди. Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб бу жараён бошқа ҳудудларга ёйилди, олди олимаса бу муаммо минтақалароша силжийверади. 1992 йилда БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида 156 давлат имзолаган биохилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция бу йўналишда ҳал қилувчи роль ўйнайди (Рио-де-Жанейродаги «Ер муаммолари, бўйича Олий даражадаги ўчрашув»). 1993 йилда у халқаро ҳужжат сифатида кучга кирди. 1995 йил охирида 120 та давлатда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ратификация қилинди. Ўзбекистон халқаро Конвенцияга қўшилди. Ва ҳукумат биз олимлар олдига зўдулик билан бажарилиши керак бўлган вазифа қўйди: «Биохилма-хиллигини сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режаси» лойиҳасини яратиш зиммаизга юкланди. Ва бу иш 1998 йилда бажарилди.

Қадимда юртимиз дунё «яшил олами» тараққиётига туртки берган макон бўлганлигини олим сифатида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бежизга «хизр тағби теккан» юрт дейишмаган, ўсимликлар тури ниҳоятда кўп, улкан биологик ранг-баранглик мўжассамланган. Республикаимиз ҳудудига 4 минг 560 дан зиёд ўсимлик турлари ёввойи ҳолда ўсади. Ер шарининг бошқа қисмида, Европада бундай ранг-баранглик мавжуд эмас, айтайлик ҳудуди бизникидан анча катта бўлган Германияда атиги 2700 тур ўсимлик ўсади. МДХ давлатлари ичиди фақат биздагина сув ўтлари инвентаризация қилингандир, яъни республикаимизда бир ҳужайрали сув ўтларидан тортиб, кўп ҳужайрали сув ўтларининг сони 3 миңдан зиёд эканлиги аниқланди.

Илмий ишлар давом этапти, яқинда 10 жиллик «Ўзбекистон замбуруллар флораси» деб номланган китобини ёздик. Ўзбекистонда 2 миңдан ортиқ турдаги замбуруллар ўсади. Лекин табиатта инсониятнинг етказган зарари, шафқатсизларча муносабати туфайли, ўша 4 миңг 560 та турнинг 301 таси 1998 йилда эълон қилинган «Қизил китобга» кирди. Бу тахминан 10 фоиз «яшил дунё»нинг йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди, деган гап. 5-10 та тур эса йўқ бўлиб кетди.

Биохилма-хиллигимизнинг бош муаммоси — турларимизни асраб қолиш! Муаммонинг

дотнинг яшаш бир қонуниятга ўзаро бағлиқликка асосланган, бир ҳалқнинг узлиши бутун тизимни тўзатиб юбориши мумкин.

Шундай бўлган, бу фалокат бизнинг ҳудудимиз «яшил олами»ни ҳам четлаб ўтмаслиги табиий ҳол. Ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини асраб қолишдек долзарб муаммо олдимизда кўндалан турибди.

Ўзбекистон Фанлар академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори, биология фанлари доктори, профессор Озодбек АШУРМЕТОВ билан суҳбатимиз биохилма-хиллик муаммолари ҳақида бўлди.

— Биологик турли-туманлик ёки биохилма-хиллик тушунчаси янги, ҳали омма орасида кенг тарқалган эмас. Биохилма-хиллик саёбрамиздаги ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, микроорганизмлар, уларнинг генлари ҳамда экотизимларини англатади. Бу атама орқали маълум бир организм

тўғрисида статистик маълумот эмас, балки биологик дунёнинг барча қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабат ўз аксини топади. Одамозод тараққиёт чўққисига чиққан сари табиатта, ер ости ва усти бойликларига, ҳайвонот, ўсимлик дунёсининг яшаш тарзига жиддий ҳовф-хатар келтириладиган муаммоларни ҳам юзага

келтирди. Яшириб бўлмайди: ер юзидagi мавжуд ўрмонлар, айниқса, ўтган асрнинг иккинчи ярмида кескин камийди, ўсимликлар дунёсининг ҳалокати ҳайвонот оламининг камийишига, қирилишига баъзи турларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Биламизки, оламдаги бутун борлиқ — жонсиз ва тирик мавжуд долзарблиги шундаки, ўша мавжуд ўсимликлар турларининг 400 га яқини эндем ҳусуриятга эга, яъни бу турлар дунёнинг бошқа бирор ҳудудига йўқ, фақат Марказий Осиёда, аниқроғи, фақат Ўзбекистондагина ўсади, ҳолос. Дунё биохилма-хиллиги нуқтани назаридан қараганда, бу турларни омон сақлаш саёбрамиз яшиллигини асрашдай мумкиндир. Узингиз ўйланг, бутун дунёга донги кетган ёқут лолаларнинг «киндик қони» ҳам шу мақомга томданди. Мана, бир фактга эътиборни қаратайлик, ер шарининг исталган нуқтасига тарқаб кетган, ҳексастим қилинадиган пилёз турларининг асал келиб чиқиши — шу заминдир. Дунёда 600 га яқин пилёз тури бўлса, шундан 230 турдан ортиғи ўлкаимизникидир. Еки ширчаларимизни олайлик, ниҳоятда хилма-хил турга эга. Агар саналган шу ўсимлик турларининг биттасини йўқотсан, дунёда бу турни қайта тиклаб бўлмайди. Мана, неча турларни сақлаш учун ҳаёт-момот «хангичини олиб боришимиз шартлиги, боиси шу.

Табиатни асрашинг яна бир муҳим жиҳати — бирорта тур йўқчи, у бизга, дунёга «кераксиз бўлсин, ҳар бирининг ўз ўрни бор. Улар ўзаро мувозанатда яшайди. Ботаникларнинг тили «фойдали» ёки «фойдасиз» ўсимлик деган иборанинг ўзи йўқ,

тропик-иклим — ёзин-қишин бир хил иқлимий ҳудудларга тегишлидир. Доривор ўсимликларнинг 300 тури бор, булар ҳаммаси биохилма-хиллигимизни оширади.

Чўлланишининг олдини олишда биологик ранг-баранглик роль ўйнайди, чунки иссиққа чидамли, шўрға бардошли, ем-хашакка ярайдиган ўсимлик турларининг Қизилқумда 200 тури синалди, 100 та тури «яшаб қолди». Орлонинг қуриган тубида 67 та ўсимлик турини санаб кўрдик, 17-18 тур ҳудудга мослаштиради, оппоқ туз қоплаган майдонларда 5-10 йил ичиди дарахт, буталар қад ростлайди, унинг остида бўлса майда эфемер, яъни баҳорги ёмғирда ўсадиган ўланлар ўсади, қарабизки, қурт, қумурсқалар пайдо бўлади, хашаротлар дейсизми, ўсимликларнинг меваси тупроққа тушяпти, шу залда ёрнинг бети «қўқаряпти»... қушлар қайтапти.

Биохилма-хиллик мониторингларни мунтазам ишлаб турибди. Экотизим тикланипти... Яшил олам тириляпти. Биохилма-хиллигини сақлаш билан биз саёбрамизга, инсониятга яшашдек олий неъматни қайтарган бўламиз.

Яшиллик — оламини яшнатади, одамни яшатади... Суҳбатдоши: Саид САЙҲУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

